

**ЯНГИ БОҒЧАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ СУННАТ ТҶЙИГА УЛАНИБ КЕТДИ**  
Бугун Риштон тумани Хуррамобод қишлоғида яшовчи фуқаролар ҳаётида унутилмас кун бўлди. Боиси ушбу қишлоқда янги мактабгача таълим ташкилоти (болалар боғчаси) фойдаланишга топширилди. Бугун “Ноҳида” номли давлат хусусий шерикчилик шаклидаги мактабгача таълим ташкилотининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Очилиш маросимида туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси туман бўлими, туман мактабгача таълим бўлими, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этишди.

Мазкур мактабгача таълим ташкилотини давлат хусусий шерикчилик шартларида ташкил этиш бўйича Мактабгача таълим вазирлиги билан 30 йиллик битим имзоланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 3 млрд сўмни ташкил этади. Ушбу давлат хусусий шерикчилигида мактабгача таълим ташкилоти 200 нафар болалар қамраб олиниб, 25 та янги иш ўринлари яратилади.



Очилиш маросимига йиғилганлар яна бир қувончли воқеага гувоҳ бўлишди. Туман ҳокимлиги ва туман мактабгача таълим бўлими томонидан Риштон туманида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг олти нафар фарзандига суннат тўйи қилиб берилди.



---

Янги фойдаланишга топширилган мактабгача таълим ташкилотига тўйболаларнинг оила аъзолари таклиф этилиб, дастурхон ёзилди.

— Биз ҳамisha ёнингиздамиз. Болажонларнинг мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ жалб этилиши, уйда ўтирган опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш ҳам зиммамизда. Мақсадимиз ҳаётдан рози бўлиб яшашингиз учун хизмат қилишдан иборат, — деди туман мактабгача таълим бўлими мудирини Муҳайёхон Дадажонова.

Шундан сўнг тўйболалар ва уларнинг ота-оналарига совғалар берилди. Ёш болажонлар даврага файз киритишди.

2020-09-11 14:01:52